



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20~~20~~ yil « 4 » апрель

№ I99

Toshkent sh.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини тасдиқлаш түғрисида

“Нотариат түғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари түғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил
"4" апрелдаги 199-сон қарорига
илова

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тартибини белгилайди.

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар натижасида заар қўрган шахсларнинг мулкий манфаатларини сұғурта тўловлари орқали ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

3. Ушбу Қоидаларда кўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус (кейинги ўринларда нотариус деб аталади) – юридик шахс ташкил этмасдан хусусий амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида нотариал фаолиятни амалга оширувчи ва худудий адлия органида ҳисоб рўйхатидан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

нотариуснинг фуқаролик жавобгарлиги – хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириши натижасида нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган жисмоний ҳамда юридик шахсга ва (ёки) нотариал ҳаракатни амалга оширишдаги учинчи шахсларга етказилган мулкий заарни қоплаш мажбурияти;

нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда мажбурий сұғурта шартномаси деб аталади) – сұғурта шартномаси бўлиб, унга кўра сұғурталовчи сұғурта ҳодисаси содир бўлганда мазкур Қоидаларга мувофиқ мулкий заар қўрган шахсларга ушбу сұғурта ҳодисаси оқибатида етказилган заарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (сұғурта мукофоти) эвазига сұғурта бадали (сұғурта суммаси) доирасида қоплаш мажбуриятини олади;

наф оловчи – мазкур Қоидаларга мувофиқ мажбурий сұғурта шартномаси асосида юз берган сұғурта ҳодисаси натижасида сұғурта товонини олиш ҳуқуқига эга шахс;

сұғурта ҳодисаси – мажбурий сұғурта шартномаси амал қилиши даврида қонун ҳужжатларига зид нотариал ҳаракатни амалга ошириш натижасида нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жисмоний ёки юридик шахсга мулкий заар етказилганлигининг суднинг қонуний кучга кирган қарори билан белгиланган ёки сұғурта қилувчи томонидан тан олинган факти;

суғурта суммаси – суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда мазкур Коидаларга мувофиқ мулкий зарар кўрган шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини олган сумма;

суғурта мукофоти – суғурта қилдирувчи мажбурий суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

суғурта товони – суғурталовчи томонидан наф оловчига мажбурий суғурта шартномасига мувофиқ суғурта суммаси доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

суғурталовчи – тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва мажбурий суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини амалга ошириш мажбуриятини оловчига тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

суғурта қилдирувчи – суғурталовчи билан мажбурий суғурта шартномасини тузган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус;

учинчи шахс – мажбурий суғурта шартномасининг тарафи бўлмаган, нотариус нотариал ҳаракатларни амалга ошириши натижасида мулкий зарар кўрган шахс.

4. Нотариус нотариал фаолиятни амалга оширишда мажбурий суғурта шартномасини тузиши шарт.

Мажбурий суғурта шартномаси мавжуд бўлмаганлиги ёки тузилган шартнома қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги – бундай шартнома тузилган ёки тузилган шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилган кунга қадар “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ нотариуснинг лицензиясини тўхтатиб туришга асос ҳисобланади.

5. Нотариуслар фуқаролик жавобгарлигининг қуидагилар оқибатида юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

нотариусга мурожаат қилган шахс томонидан нотариал ҳаракат амалга ошириш билан боғлиқ ёлғон маълумотлар, ҳақиқий бўлмаган ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилиши;

агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахс нотариусга ушбу нотариал ҳаракат ҳукуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган учинчи шахсларнинг йўқлиги ёки мавжудлигини билдирилмаган бўлса.

2-боб. Суғурта объекти ва субъекти, суғурта суммаси миқдори

6. Нотариуснинг нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсга ва (ёки) нотариал фаолиятни амалга оширишдаги учинчи шахсларга мулкий зарар етказилгандаги оқибатида юзага келадиган мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги хавфи билан боғлиқ мулкий манфаатлар мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта объекти ҳисобланади.

Суғурталовчи, суғурта қилдирувчи ва нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар натижасида заар кўрган учинчи шахслар нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир.

7. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси:

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятларнинг маъмурий марказларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини ташкил этиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг камидаги минг бараваридан;

бошқа аҳоли пунктларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини ташкил этиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг камидаги беш юз бараваридан кам бўлиши мумкин эмас.

**3-боб. Мажбурий суғурта шартномасини тузиш,
ўзгартириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби**

8. Нотариус мажбурий суғурта шартномасини тузмасдан ўзининг мажбуриятларини ва нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

9. Мажбурий суғурта шартномасида суғурта қилдирувчи нотариал ҳаракатларни амалга оширганда наф оловчига етказилган заар туфайли келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш назарда тутилади, маънавий заар, бой берилган фойда ва жарима тўловлари бундан мустасно.

10. Мажбурий суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

11. Мажбурий суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризаси асосида тузилади.

12. Суғурта қилдирувчи мажбурий суғурта шартномасини тузиш учун суғурталовчини ихтиёрий танлайди.

13. Агар мажбурий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланган вақтдан, бўлиб-бўлиб тўлашда эса биринчи суғурта мукофоти тўланган вақтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий ҳисобланади.

14. Мажбурий суғурта шартномаси у кучга кирган кундан бошлаб бир йил муддатга тузилади.

Суғурта ҳимоясининг амал қилиш муддати суғурта шартномасининг амал қилиш муддатига тўғри келади.

15. Суғурта полиси суғурта қилдирувчига суғурталовчининг ҳисобварафига мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва ҳимояланганликнинг камидаги 3 даражасига эга бўлиши керак. Суғурта полиси бланкаси суғурталовчининг буюртмаси

бўйича, босмахона усулида, А4 (210-297 мм) форматда “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида ушбу Қоидаларга З-иловада келтирилган намунага мувофиқ тайёрланади.

16. Суғурта полиси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суғурта қилдирувчи унинг дубликатини олиш хукуқига эга.

17. Мажбурий суғурта шартномасига ўзгартиришлар томонларнинг келишувига биноан улардан бирининг ёзма аризаси асосида киритилади. Шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда ёзилган ва ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда қонуний кучга эга.

18. Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

нотариус тугатилганда ёки вафот этганда;

мажбурий суғурта шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда.

Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

4-боб. Суғурта қилдирувчи ва суғурталовчининг хукуқ ва мажбуриятлари

19. Суғурта қилдирувчи:

суғурталовчини эркин танлаш;

суғурталовчидан мажбурий суғурта шартномаси шартларини, шу жумладан ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини тушунтиришни талаб қилиш;

суғурталовчининг молиявий ҳисботи билан танишиш;

ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда ва шартларда суғурта товонини олиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан шикоят қилиш ҳукуқига эга.

Суғурта қилдирувчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Суғурта қилдирувчи:

мажбурий суғурта шартномасида белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатларда суғурталовчига суғурта мукофотини тўлаши;

мажбурий суғурта шартномасини тузишда суғурталовчига ушбу Қоидаларда белгиланган маълумотларни тақдим этиши;

суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар ёки унга қарши бошланган суд муҳокамаси тўғрисида дарҳол хабар қилиш, зарар етказилиши ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ва ваколатли органлардан олинган суғурта ҳодисасининг сабаблари ҳамда оқибатларини, зарарнинг хусусияти ва миқдорини белгилаш учун зарур бўлган хужжатларни суғурталовчига тақдим этиши;

сугурта ҳодисаси юз берганда заарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши;

сугурталовчига заарни қоплаш тўғрисидаги учинчи шахсларнинг талаби билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш имкониятини бериши;

сугурта ҳодисаси юз берганлиги учун жавобгар шахсга нисбатан регресс талаб қилиш хукуқини сугурта товонини тўлаган сугурталовчига ўтишини таъминлаши шарт.

Суѓурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

21. Суѓурталовчи:

мажбурий сугурта шартномасини тузишда сугурта қилдирувчи шахсдан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича олдинги шартномалар, сугурта ҳолатлари, сугурта тўловлари ва мажбурий сугурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этишини талаб қилиш;

сугурта қилдирувчи томонидан етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги учинчи шахсларнинг талаблари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш;

ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолларда заар етказганлик учун жавобгар шахсга нисбатан регресс талаб қилиш хукуқини тақдим этиш;

ушбу Қоидаларда назарда тутилган асослар бўйича сугурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлашни рад этиш хукуқига эга.

Суѓурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Суѓурталовчи:

сугурта қилдирувчини мажбурий сугурта шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан унинг хукуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мажбурий сугурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда сугурта қилдирувчига сугурта мукофотини тўлиқ ёки қисман қайтариб бериши;

сугурта ҳодисаси юз берганлиги ва сугурталовчи томонидан тўланиши лозим бўлган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар етарли бўлмаган тақдирда, улар олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ариза берувчига тақдим этилмаган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилган ҳолда хабар бериши;

сугурта ҳодисаси юз берганда ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда ва шартларда сугурта тўловини амалга ошириши;

сугурта қилдирувчидан (наф олувчидан) ариза олинганда сугурта қилдирувчининг (наф олувчининг) талабларини кўриб чиқиш ва беш иш куни ичida низони ҳал этишнинг кейинги тартиби кўрсатган ҳолда ёзма жавоб бериши;

сұғурта ҳодисаси юз берганда зарарни олдини олиш ва (ёки) камайтириш мақсадида сұғурта қилдирувчига етказилған харажатларни қоплаши;

үз фаолиятини амалга ошириш натижасида сұғурта қилдирувчи ва учинчи шахс ёки наф оловчы тұғрисида олинган маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши шарт.

Сұғурталовчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мүмкін.

5-боб. Сұғурта мукофотини аниқлаш ва уни тұлаш тартиби

23. Мажбурий сұғурта шартномаси бүйіча сұғурта мукофотининг ҳажми томонларнинг келишуві билан белгиланади, бироқ мажбурий сұғурта шартномасида белгиланған сұғурта суммасининг бир фоизидан кам бўлмаслиги керак.

24. Сұғурталовчи наф оловчига сұғурта товоини тұлаш тұғрисида қарор қабул қилиш учун сұғурталовчига қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

сұғурта товоини олиш тұғрисида ушбу Қоидаларга 4-иловага мувофиқ шаклда ариза;

учинчи шахсларнинг етказилған зарарни ва унинг миқдорини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинған зарарни қоплаш тұғрисидаги талаби ёки сұғурта қилдирувчи томонидан нотариал ҳаракатлар содир этилиши натижасида етказилған зарарни қоплаш тұғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори;

наф оловчининг шахсини тасдиқловчи хужжат ёки юридик шахс вакилига берилған ишончнома;

етказилған зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш чораларини күриш билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи хужжатлар.

25. Хужжатларни қабул қилған сұғурталовчи ариза берувчига тақдим этилған хужжатларнинг тұлық рўйхати ва қабул қилинған сана кўрсатилған маълумотнома бериши шарт.

Ариза берувчи томонидан сұғурта товоини олиш тұғрисидаги мурожаат электрон шаклда юборилған тақдирда, унга ушбу маълумотнома электрон шаклда тақдим этилиши мүмкін.

26. Сұғурта ҳодисаси сұғурта қилдирувчи томонидан етказилған зарарни қоплаш тұғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирган ёки сұғурта қилдирувчи томонидан зарарни қоплаш тұғрисидаги учинчи шахсларнинг талаблари асосли эканлиги тан олинган ва бу ҳақда сұғурталовчининг розилиги олинган кундан бошлаб юз берган ҳисобланади.

27. Сұғурталовчи сұғурта қилдирувчининг ташаббуси билан ёки сұғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келған сұғурта қилдирувчининг барча билдирилған ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

28. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар сугурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

29. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин сугурта суммасидан ошмаган миқдорда сугурталовчи томонидан бевосита учинчи шахсга (унинг меросхўрига ёки хукуқий ворисига) тўланади.

30. Агар сугурта қилдирувчи учинчи шахсга етказилган зарарнинг ўрнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан қопласа, сугурта қилдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этганидан кейин сугурталовчи сугурта қилдирувчига сугурта товонини тўлайди.

Суғурта қилдирувчи учинчи шахсга етказилган зарарнинг ўрнини ўз хисобидан қисман қопласа сугурталовчи сугурта товонининг тегишли қисмини сугурта қилдирувчига, қолган қисмини эса – учинчи шахсга (унинг меросхўрига ёки хукуқий ворисига) тўлайди.

Банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси етказилган зарар ўрнини қоплаш тартибида сугурта қилдирувчи тўлаганлигини тасдиқловчи хужжатлар хисобланади.

31. Суғурта товонини тўлашда сугурталовчи наф олувчидан сугурталовчига нисбатан даъвони чеклайдиган шартларни қабул қилишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракат натижасида мулкий манфаатлари зарар кўрган учинчи шахс вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари ёки хукуқий ворислари наф олувчи хисобланади.

Суғурталовчининг ёзма розилиги билан сугурталовчининг мажбуриятлари доирасида учинчи шахсга (унинг меросхўрларига ёки хукуқий ворисларига) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаган сугурта қилдирувчи ҳам наф олувчи бўлиши мумкин.

32. Суғурта товонини тўлаш сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

33. Суғурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори сугурта қилдирувчига у сугурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак, товон тўлаш рад этилганда қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

34. Агар сугурта товонини тўлаш ушбу Қоидаларда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, сугурталовчи учинчи шахсга (унинг меросхўрига ёки хукуқий ворисига) сугурта товонига қўшимча равишда сугурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиқсан ҳолда пеня тўлайди.

35. Агар мажбурий сугурта шартномаси амалда бўлган даврда сугурталовчи учинчи шахсга (унинг меросхўрига ёки хукуқий ворисига)

сұғурта товони тұласса, у ҳолда сұғурта қилдирувчи сұғурталовчидан сұғурта товони тұланғанлиги түғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан иккі ҳафта муддатда тұланған сұғурта товони суммасига ва мажбурий сұғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда құшимча сұғурта мукофотини тұлайды.

36. Сұғурталовчи мажбурий сұғурта шартномасининг амал қилиши даврида вужудга келган заарларнинг ўрнини, агар учинчи шахс (унинг меросхўри ёки хуқуқий вориси) заарларни келтириб чиқарған сұғурта ҳодисаси ҳақида заарларнинг ўрнини мажбурий сұғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уч йил ичиде ундириш түғрисида даъво аризаси берган бўлса, қоплади.

37. Сұғурталовчи сұғурта ҳодисаси қуйидаги асослар бўйича юзага келган тақдирда сұғурта товонини тұлашни рад этиш хуқуқига эга:

сұғурта қилдирувчининг сұғурта ҳодисасини юзага келтиришга қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлари;

сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида ёлғон маълумотлар тақдим этилиши;

сұғурта қилдирувчи томонидан “Нотариат түғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланған нотариуснинг вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириши;

сұғурта қилдирувчи томонидан зарап келтириб чиқаришда айбдор бўлган шахсдан етказилган зарап учун тегишли компенсация олиниши;

сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурталовчига сұғурта ҳодисаси юзага келиши ҳолатларини текширишда ва етказилган зарап микдорини аниқлашда тўсқинлик қилиши.

Сұғурталовчи ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича сұғурта товонини тұлашни рад этишга ҳақли эмас.

38. Сұғурталовчи томонидан қуйидаги ҳолларда сұғурта товони қопланмайди:

сұғурта қилдирувчи томонидан тан олинган, бироқ сұғурталовчининг розилиги олинмаган учинчи шахснинг ёзма талаби билан аниқланған зарап;

мажбурий сұғурта шартномаси амал қилиши давомида шартнома кучга киргунга қадар юзага келган сабабларга кўра етказилган зарап;

маънавий зарап, бой берилган фойда ва жарима тўловлари.

6-боб. Сұғурталовчининг регресс тартибида талаб қилиш хуқуқи

39. Сұғурталовчи зарап етказилган шахсга ўзи тұлаган сұғурта товони микдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш хуқуқига эга, агар:

сұғурта ҳодисаси сұғурта қилдирувчининг қасдан қилган ҳаракатлари натижасида юзага келган бўлса;

сұғурта ҳодисаси сұғурта қилдирувчининг қасдан содир этган жинояти

натижасида юзага келган бўлса;

сугурта қилдирувчи томонидан заарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш чораларини қасддан кўрмаганлиги натижасида зарар миқдори ошиб кетган бўлса;

сугурта қилдирувчи томонидан сугурталовчига сугурта объекти, сугурта хавфи, сугурта ҳодисаси ва унинг натижалари ҳақида ёлғон маълумотлар берилган бўлса.

40. Сугурта товонини тўлаган сугурталовчига сугурта қилдирувчининг сугурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан тўланган сумма доирасида регресс тартибида талаб қилишга бўлган хуқуқи ўтади.

41. Сугурталовчи томонидан ундирилган заарлар бўйича жавобгар бўлган шахсга нисбатан эга бўлган талаб қилиш хуқуқи сугурта товонини тўлашни амалга оширган сугурталовчига у тўлаган сумма доирасида ўтади.

42. Сугурта қилдирувчи сугурта товонини олишда сугурталовчига унинг сугурта ҳодисаси юзага келишида айбор бўлган шахсга нисбатан қайта талаб қилиш хуқуқини амалга ошириши учун барча зарур хужжатларни бериши шарт.

43. Агар сугурта қилдирувчи сугурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш хуқуқидан воз кечса ёки ушбу хуқуқни амалга ошириш сугурта қилдирувчининг айбига кўра мумкин бўлмай қолса сугурталовчи сугурта қилдирувчидан сугурта товонининг тўланган суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

7-боб. Якунловчи қоида

44. Ушбу Қоидаларни бузганликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш қоидаларига
1-илова

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ**

20 ____ ыйл “ ____ ” _____

Кейинги ўринларда “Сұғурта килдирувчи” деб аталувчи _____

(хусусий амалиёт билан

бир томондан, ва

шуғулланувчи нотариуснинг Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 20 ____ ыйл “ ____ ” _____ да берилган
серияли ____ -сон лицензия асосида фаолиятни амалга оширадиган, кейинги ўринларда
“Сұғурталовчи” деб аталувчи _____
(сұғурталовчининг номи)

асосида ҳаракат қыладиган _____
(хужжат номи) _____
(Ф.И.О., лавозими)

орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар тұздилар:

1. Шартноманинг предмети

1. Сұғурталовчи ушбу шартномага ва Вазирлар Маҳқамасининг 20 ____ ыйл “ ____ ” _____ даги
_____-сон қарори билан тасдиқланған Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш қоидаларига (кейинги ўринларда Қоидалар деб
аталади) мувофиқ сұғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, учинчи шахсга ёки наф олувчига ушбу
шартноманинг амал қилиши даврида нотариал ҳаракат амалга ошириш натижасида етказилған заарнинг
ўрнини қоплаш мажбуриятини олади.

2. Ушбу шартнома амал қилиши даврида конунга зид нотариал ҳаракатни амалга ошириш
натижасида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг айби билан жисмоний ва юридик шахсга
мүлкій заар етказилғанлығы қонуниң күчга кирған суд қарори билан белгиланған ёки сұғурта қылувчи
томонидан тан олинған факти сұғурта ҳодисаси ҳисобланади.

2. Сұғурта суммаси ва сұғурта мүкофоти

3. Ушбу шартнома бүйіча сұғурта суммаси _____
сүмни ташкил қылади. _____ (суммаси ракамлар ва ёзув билан)

4. Ушбу шартнома бүйіча сұғурта мүкофоти _____
сүмни ташкил қылади. _____ (суммаси ракамлар ва ёзув билан)

5. Сұғурта мүкофоти ушбу шартнома тузилған санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла
тўланади ёки ҳар ойнинг 5 санасига қадар бўлиб тўланади.

3. Шартноманинг күчга кириши ва амал қилиш муддати

6. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вактдан бошлаб кучга киради ва бир йил мобайнида амал
қилади. Сұғурталовчининг мажбуриятлари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бүйіча сұғурта полисида кўрсатилған сұғурта
даврининг бошланғич санасидаги соат 00.00 дақиқадан, лекин сұғурта мүкофоти Сұғурталовчининг ёки
сұғурта агентининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундан олдин бўлмаган санадан бошлаб кучга
киради ва сұғурта полисида кўрсатилған сұғурта даврининг охирги санасидаги соат 24.00 дақиқада
тугайди.

7. Суғурта мукофоти Суғурта килдирувчи томонидан Суғурталовчининг ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг Суғурталовчининг ҳисобварағига тушган санаси ушбу шартнома бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Суғурта килдирувчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

Суғурталовчидан ушбу шартнома шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг молиявий хисоботи билан танишиш;

Қоидаларда назарда тутилган тартибда ва шартларда суғурта товонини олиш;

Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан шикоят қилиш.

Суғурта килдирувчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Суғурта килдирувчи:

ушбу шартнома бўйича суғурта мукофотини конун ҳужжатларидан белгиланган шартлар асосида ва тартибда тўлаши;

суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар ёки унга карши бошланган суд муҳокамаси тўғрисида дархол хабар қилиш, заарар етказилиши ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ва ваколатли органлардан олинган суғурта ҳодисасининг сабаблари ҳамда оқибатларини, заарнинг хусусияти ва миқдорини белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни суғурталовчига тақдим этиш;

суғурта ҳодисаси юз берганда заарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриш;

суғурталовчига заарни қоплаш тўғрисидаги учинчи шахсларнинг талаби билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш имкониятини бериш;

суғурта ҳодисаси юз берганлиги учун жавобгар шахсга нисбатан регресс талаб қилиш ҳуқукини суғурталовчига ўтишини таъминлаши шарт.

Суғурта килдирувчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

10. Суғурталовчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

мажбурий суғурта шартномасини тузишда суғурта килдирувчи шахсдан хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариусларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича олдинги шартномалар, суғурта ҳолатлари, суғурта тўловлари ва мажбурий суғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этишини талаб қилиш;

суғурта килдирувчи томонидан етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги учинчи шахсларнинг талаблари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш;

Қоидаларда назарда тутилган ҳолларда заар етказганлик учун жавобгар шахсга нисбатан регресс талаб қилиш ҳуқукини тақдим этиш;

Қоидаларда назарда тутилган асослар бўйича суғурта товонини тўлиқ ёки қисман амалга ошириши рад этиш.

Суғурталовчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Суғурталовчи:

суғурта килдирувчини мажбурий суғурта шартномаси шартлари билан танишириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мажбурий суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда суғурта килдирувчига суғурта мукофотини тўлиқ ёки қисман қайтариб бериши;

суғурта ҳодисаси юз берганлиги ва суғурталовчи томонидан тўланиши лозим бўлган заарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар етарли бўлмаган тақдирда, улар олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнода ариза берувчига тақдим этилмаган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилган ҳолда хабар бериши;

суғурта ҳодисаси юз берганда ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда ва шартларда суғурта товонини амалга ошириши;

суғурта килдирувчидан (наф олувчидан) ариза олинганда суғурта килдирувчининг (наф олувчининг) талабларини кўриб чикиш ва беш иш куни ичиди низони ҳал этишнинг кейинги тартиби кўрсатган ҳолда ёзма жавоб бериши;

суғурта ҳодисаси юз берганда заарни олдини олиш ва (ёки) камайтириш мақсадида суғурта килдирувчига етказилган харажатларни қоплаш;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида суғурта килдирувчи ва учинчи шахс ёки наф олувчи тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини ўз вактида амалга оширмаган тақдирда наф олувчига конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда жарима тўлаши шарт.

Суғурталовчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

12. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6 Низоларни ҳал этиш тартиби

13. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Якунловчи қоида

14. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби, мазкур шартнома бўйича сугурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби, етказилган зарар микдорини аниқлаш ва сугурта товонини тўлаш тартиби Вазирлар Махкамасининг 20__ йил “___” ____ даги ___-сон карори билан тасдиқланган Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

Суѓурталовчи: _____
Манзил: _____
тел: _____, факс: _____
х/р _____
МФО _____ СТИР _____

(Ф.И.О., лавозими)

(имзо)

Суѓурта қилдирувчи: _____
Манзил: _____
тел: _____, факс: _____
х/р _____
МФО _____ СТИР _____

(Ф.И.О., лавозими)

(имзо)

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш қоидаларига
2-илова

(суғурталовчининг номи)

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
сұғурта қилиш шартномасини түзиш тұғрисида**
АРИЗА

(хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариуснинг Ф.И.О.)

(хужжат номи)

асосида ҳаракат қилувчи

орқали Сиздан Хусусий амалиёт билан
(ваколатли шахснинг Ф.И.О., лавозими)

шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш қоидаларида назарда
туилган шартларда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш шартномасини түзишни сұрайди.

1. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг реквизитлари:

пошта манзили: _____;
телефон: _____, факс: _____, эл. манзили: _____; СТИР _____;

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг банк реквизитлари:

банк номи: _____;
банк ҳисобварағи: _____;
хизмат күрсатувчи банкнинг МФО _____.

3. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта
қилиш шартномасы: биринчи марта тузилмоқда / ўтган йилда тузилған.

4. Ўтган йилда тузилған хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномасы тұғрисида маълумотлар:

а) хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта
қилиш бўйича сұғурта полиси: 20 ____ йил “____” _____ даги ____ серияли ____-сон;
б) сұғурта мукофоти, сўмда:

_____;
(суммаси ракамлар ва ёзув билан)

в) жами тўланган сұғурта товони, сўмда:

_____ (суммаси ракамлар ва ёзув билан)

5. Аризага шунингдек куйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) _____;
б) _____;
в) _____.

6. Биз ушбу аризада келтирилған маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз.

_____ (имзо)

(хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариуснинг Ф.И.О.)

7. Ариза _____ томонидан қабул қилинган.

(суғурталовчи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш қоидаларига
3-илова

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
сұғурта қилиш бүйича сұғурта полиси бланкасининг намунаси**

(Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта
қилиш бүйича сұғурта полиси бланкасининг олд томони)

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бүйича
СҰҒУРТА ПОЛИСИ**
—сон

Серияси _____

1. Сұғурталовчининг тұлық номи ва реквизитлари _____

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг тұлық номи ва реквизитлари
_____.

3. Сұғурта суммаси _____
сўм.
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

4. Сұғурта мукофоти _____ сўм миқдорида 20__ йил “__” _____ да тўланган.
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

5. Сұғурта даври: 20__ йил “__” _____ дан 20__ йил “__” _____ гача.

6. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта
қилиш шартномаси амал қилиши даврида қонунга зид нотариал ҳаракатни амалга ошириш натижасида
хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг айби билан жисмоний ва юридик шахсга мулкий
зарар етказилгандырылады. Қонун талабларини тәжиребалашып, қонун көрсетилген шартномада
төзелганиш мүмкун емес болса, сұғурта қилиши мүмкун емес.

(Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта
қилиши бүйича сұғурта полиси бланкасининг орқа томони)
7. Сұғурталовчининг, шунингдек унинг хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузишга, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариуслар, учинчи шахслар ва наф олувчиларнинг сұғурта товони ҳақидаги талабларини кўриб чиқишига
хамда сұғурта товоини амалга оширишга ваколатли барча филиалларининг почта манзиллари, улар билан
богланиш воситалари ва иш вакти тўғрисидаги маълумотлар:

8. Алоҳида қайдлар _____

Сұғурталовчининг раҳбари ёки ваколатли шахси

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ү.

Берилган санаси: 20__ йил “__” _____.



Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш қоидаларига
4-илова

Сұғурта товониниң тұлаш тұғрисида
АРИЗА

Ушбу билан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бүйіча 20__йил “___” __ __ __-сон шартномага күра сұғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мүмкін бўлган ҳодиса юз берганлигини маълум қиласман.

Ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатлари тұғрисида куйидагиларни маълум қиласман:

Сұғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мүмкін бўлган ҳодисага дуч келган учинчі шахс: _____

(наф олувчининг Ф.И.О.)

Ҳодисанинг санаси ва вакти: _____

Ҳодисанинг жойи: _____

Ҳодиса тұғрисида _____ га мурожаат қилинган

Ҳодисанинг ҳолатлари: _____

Ушбу ҳодиса бүйіча ҳаққоний ва менга маълум бўлган барча маълумотларни хабар қилдим.

20__йил “___” __ __ __. _____
(имзо) (аризачининг Ф.И.О)

Ариза _____ томонидан
(сұғурталовчи мастьул ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

қабул қилинган ва 20__йил “___” __ __ __ да __ __ __ рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

Ушбу аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати

T/p	Ҳужжатнинг номи	Саҳифалар сони	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами	Илова қилинмоқда (ҳа/йўқ)
1.	Учинчи шахсларнинг етказилган зарарни ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган зарарни қоплаш тұғрисидаги талаби ёки сұғурта қилдирувчи томонидан нотариал ҳаракатлар содир этилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш тұғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори.			
2.	Наф олувчининг шахсini тасдиқловчи ҳужжат ёки юридик шахс вакилига берилган ишончнома.			
3.	Етказилган зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўриш билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.			